

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИДА ИСЛОМ АКСЕОЛОГИК ҚАДРИЯТ СИФАТИДА

Нумонжон Урмонович УРИНБОЕВ

доцент

фалсафа фанлари номзоди

Фарғона вилоят педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази

Фарғона, Ўзбекистон

[numonjon.urinboev@mail.ru](mailto:numonjon.urinboev@mail.ru)

### Аннотация

Мақолада соғлом турмуш тарзи ва унинг барқарорлашувида исломий қадриятларнинг нақадар муҳим аҳмият касб этиши, мустақил давлатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминловчи восита эканлиги ҳақидаги мулоҳазалар ўрин олган.

**Таянч сўзлар:** соғлом турмуш тарзи, тинчлик, барқарор тараққиёт, ҳадис, диний адабиётлар, жараён.

## ИСЛАМ КАК АКСЕОЛОГИЧЕСКАЯ ЦЕННОСТЬ В ЗДОРОВОЙ ЖИЗНИ ОБЩЕСТВА

Нумонжон Урмонович УРИНБОЕВ

доцент

кандидат философских наук

Национальный центр повышения квалификации педагогов по новым

методикам Ферганской области

Фергана, Узбекистан

[numonjon.urinboev@mail.ru](mailto:numonjon.urinboev@mail.ru)

### Аннотация

В статье рассматривается важное значение исламских ценностей для здорового образа жизни и его утверждения, и что они являются средством обеспечения мира и спокойствия в нашей независимой стране.

**Ключевые слова:** здоровый образ жизни, мир, хадисы, религиозная литература, процесс.

Глобаллашув жараёнларининг шиддати, жаҳондаги ижтимоий ўзгаришлар жамият тараққиётига салбий ёки ижобий таъсирини ўрганишни тақозо этмоқда. Жамиятда соғлом турмуш тарзининг шаклланиши иқтисодий ва маънавий фаровонликни таъминловчи восита эканлиги намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш долзарб вазифаларимиз қаторига киради” [1;

219]. Бу эса янги тараққиёт босқичида давлат сиёсатининг муҳим босқичларидан бири жамиятда аҳолининг соғлом турмуш тарзининг улкан аҳамиятини ифодалайди.

Жамият тараққиёти ҳар томонлама соғлом бўлган авлод ҳисобига ривожланиши дунё мамлакатлари тажрибасидан маълум. Бу борада мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, оилавий муносабатларни ижтимоий-ахлоқий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, жамиятда соғлом ижтимоий-маданий муҳитни, соғлом тафаккур тарзи, соғлом тарбия тизимини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда жамиятнинг ролини ошириш билан соғлом ва обод турмуш тарзини шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари юзасидан тадқиқотлар олиб бориш объектив заруриятдир.

Яқин ўтмишда намоз ўқиш, диний маросимларни ташкиллаш тақиқланган, масжидлар, азиз-авлиёларнинг зиёратгоҳларига қулф урилган эди. Одамларнинг уйларидаги Қуръони карим, ҳадис, турли диний адабиётлар, ҳатто араб ёзувидаги бошқа китоблар териб олинди, ёқиб юборилган эди. Бу ҳолатга «жоҳилия», нодонлик деб таъриф берилса ўринлидир. Шу боис, биз мустақиллик келтирган неъматларга ҳар қанча шукрона айтсак арзийди. Мустақиллик даврида исломий қадриятлар тикланди, иймон-эътиқодимиз ўзимизга қайтди. Бу ҳолат халқимизга, хусусан ёшларимизга миллий ғояни сингдиришда ислом омилидан оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда мустақил мамлакатимизда ислом дини омилидан, унинг бой маънавий ва маданий қадрият сифатидаги катта имкониятларидан фойдаланиш мақсадида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Аввало, масжидларга, азиз-авлиёлар ётган мақбараларга солинган қулфлар олиб ташланди, қаровсиз қолган масжидлар таъмирланди, янгилари барпо этилди. Азиз-авлиёлар ётган, ўтмишда қаровсиз ҳолга келган жойлар ободонлаштирилди, зиёратчилар учун

кулай шароитлар юзага келтирилди. Рамазон ва қурбон ҳайитлари дам олиш куни деб эълон қилинди. Ҳар йили минглаб фуқароларимизнинг ҳаж ва умрага бориб келишлари учун имконият ва шароит яратиб берилди. Бу ўтмишда фақат хаёлий орзу ва армон эди. Улуғ алломалар – Исо Термизий, Ҳаким Ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий, Замахшарий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Абу Мансур Мотрудий, ал-Марғиноний ва бошқа улуғ зотларнинг юбилейлари бўлиб ўтиб, 1998 йилда эса Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги нишонланди. Қуръони Карим, ҳадислар ва бошқа диний китоблар нашр қилинди, қилинмоқда. 1999 йилда Тошкент Ислом Университети ташкил этилди. Мустақиллик йиллари ислом дини ва исломий кадриятларни тиклаш борасида асрларга тенг амалий ишлар бажарилди. Ислом ва исломий кадриятлар маънавий ва маърифий ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланиб қолди.

Сўнги йилларда бизнинг диёримизда ҳам тараққиётимиз, осойишталигимиз душманлари «ваҳобийлик» ва «хизбут-тахрир» каби оқимларнинг гуруҳ ва тўдалари пайдо бўлди. Бундай тўдалар масжидларда ғавғо кўтариб, ўтиш даврининг қийинчиликларидан фойдаланиб, айрим ёшларнинг онгини заҳарлашга ҳаракат қилдилар. Бу мутаассиб диндорлар ўзларини «ваҳобий» ёки «динни тозаловчилар», «фундаменталистлар» деб юритиб, аслида эса биринчи навбатда ислом кадриятларига зарба беришга уринмоқдалар. Ваҳобийлар бир ярим минг йиллик илм-фан, маданият тарихидан воз кечиш, Имом Бухорий, Имом Ғаззолий, Имом Абу Ханифа, Бурхониддин Марғиноний, Аҳмад ал-Фарғоний, Навоий, Жомий, Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа ўнлаб мутафаккирлар, сўфийлар, олимлар меросидан воз кечиш, уларнинг асарларини ёқиб юбориш, мақбараларини бузиб ташлашни тавсия қилмоқдалар. Улар, умуман, инсон ақли, инсон қалби билан яратилган жамики маънавий бойликларни улоқтириб ташлашга даъват этмоқдалар.

Ваҳобийлик бизни орқага, жаҳолатга тортадиган, исломни, ислом аҳлини бузадиган хавfli оқим. «Динни тозалаш», «соф динга қайтиш» ниқоби остида ташвиқотлар олиб бориб, одамларни таҳликага солиш, қонли жиноятлар қилиш, отани болага, акани укага душман қилиб, жамиятимизни хавф остига қўяётганлардан миллий қадриятларимизни авайлаб-асрашимиз зарур.

Диёримизда дин ниқоби остида иш қўраётган экстремистлар, ақидапарастлар мавжуд конституциявий тузумга қарши бориб, ҳокимиятни эгаллаш ва Ўзбекистонда Ислом давлати куриш, халқни қўрқувга солиб, ҳукуматга ишончсизлик уйғотиш учун турли жиноятлар ва террористик ҳаракатлар содир этиш йўли билан эл тинчлигини бузишга уринмоқдалар. Уларнинг асл мақсади ҳукуматпарастлик, яъни давлатни қўлга олишдан иборат. Мустақил юртимизда уларга ўз вақтида зарба берилди ва уларнинг пайи қирқилди.

Аммо ҳамма гап ҳар қандай таҳдид ёки таҳлика олдида ваҳимага тушмасдан, ана шу кураш ва синовларга доимо тайёр туриш, огоҳ ва сергак бўлишда. Айниқса ёшларимизни уларнинг зарарли таъсиридан асраб қолиш ҳозирги тарбия ишимизнинг асосий йўналиши бўлиб қолиши керак. Ёшларнинг ҳар доим ва ҳар дақиқада, огоҳ ва ҳушёр, сергак бўлишлари замон талаби. Буни ёшларимизнинг онгига чуқур сингдиришимиз жоиз. Токи фарзандларимиз миллий илдизлари бақувват, дунёни чуқур англайдиган, замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастларнинг «даъвати» ҳам, ахлоқий нормаларимизни рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялари ҳам ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Жамият аъзоларининг огоҳлиги бу мустақил юрт тинчлиги ва озодлиги йўлидаги саъй ҳаракатимиздир. Зеро, «.. муқаддас динимиз шаънига доғ туширмоқчи бўлган, ундан ғаразли сиёсий мақсадларда фойдаланишни истайдиган кимсалар ва кучлар билан ҳеч қачон мурса қилолмаймиз» [4]. Юртимизда мустақиллигимизнинг дастлабки ва

бугунги кунларида рўй бераётган айрим салбий ҳодисалар, ножўя хатти-харакатлар, ёзув ишлар, аввало, мафкуравий бўшлиқ туфайли содир бўлмоқда [4;9].

Ҳар бир фуқаро шуни англаб етиши керакки, Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётида ўзига хос ва мос йўли бўлгани каби маданий-маънавий ривожланишида ҳам ўз йўли бор. Бу ўзига хосликни динга, диний қадриятларга муносабатимизда, улардан маънавий тарбияда фойдаланишимизда ҳам кўриш мумкин.

Бу йўл асрлар давомида ўз шаклу шамойилини топган. Унинг моҳияти, мўътадил диндорлик, ислом маърифатини ривожлантириш, ички-ботиний оламни поклаб, Оллоҳни дилда сақлаб, ақлу тафаккур, илму ирфон билан камолот сари бориш, ўз меросий қадриятларимиз ва дунё илмини эгаллаб, замон билан ҳамқадам, соғлом фикр, соғлом муҳит ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш орқали, олға боришдир.

Соғлом турмуш тарзининг маънавий асосларини белгилашда ислом динининг бу соҳадаги ҳақиқий қадриятларини ҳаётга тадбиқ этишга алоҳида эътиборни қаратиш. Бинобарин, маънавиятимизнинг негизини ахлоқ ташкил этар экан, халқимизнинг ахлоқий қадриятларини чинакам инсоний ғоялар билан уйғунлаштириш асосида миллий турмуш тарзини соғломлаштириш имкониятларини рўёбга чиқариш мақсадга мувофиқдир. Кишиларимиз, айниқса, ёшларимизда тафаккур тарзини таркиб топтиришга доир конкрет чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, исломий қадриятлар шиори остида халқимизнинг руҳиятига мутлақо номувофиқ бўлган носоғлом турмуш тарзи таркиб топишига йўл қўймаслик, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида шу соҳада кенг кўламли ишларни ташкил қилиш фойдадан холи бўлмайди.

Инсоннинг комилликка эришувида, жамиятнинг маънавий-маърифий ривожидида бадий тилнинг ўрни ўта даражада муҳимдир. Бадий адабиёт, миллий ва умуминсоний ғояларни ўзида акс эттирувчи кўзгудир. Диний манбаларда инсонни беаб турувчи бебаҳо ва қудратли неъмат сўз эканлиги эътироф этилади. Бадий адабиёт ўқувчида катта қизиқиш, иштиёқ уйғотиш

билан бирга унинг эстетик дидини тарбиялабгина қолмай, балки умуминсоний фазилатларининг шаклланиши ва дунёқарашининг кенгайишида муҳим роль ўйнайди.

Барча қадриятлар ва идеаллар, жамиятнинг ҳаётий салоҳияти, ҳар бир авлод томонидан ўзининг маданий анъаналари ва ахлоқий негизларини ҳимоя қилиш ва сақлаб қолишга, ишлаб чиқишга, уларни бойитиш ва ривожлантириш учун интилишига боғлиқдир. Дунё майдонида ва ўз азмида қойим турмоқ, мақсадга эришмоқ учун муттасил олдинга интилиш, ҳаётни ва тафаккурни ислоҳ қилиш, янгиланишлар томон собитқадамлик билан бориш жоиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев. Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон стратегияси қўмитаси, 2019. – 106 б.
2. Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 420 б.
3. Каримов И. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. //Халқ сўзи, 1999 йил 6 март кони.
4. Уринбоев Н.У. Соғлом турмуш тарзи. – Фарғона: Фарғона, 2009. – 106 б.
5. <http://www.rusnauka.com/https://gisap.eu/ru/node/7709>
6. <https://lektsii.org/12-47199.html>

о

н

,

2

0

2

1

.

—